45-расм. Найча пайванд.

1—пайвандтаг ва пайванддуст
2—пайвандланган новда

Назорат саволлари:

1. Қаламча пайвандни кайси усулилари бор?
2. Пўстлок орасига пайванд усули итдизга пайванд қилишдан фарки нима?
3. Ингичка қаламчани пўстлок орасига пайвандни каңдай ахамияти бор?

II-боб. Тутни қаламчасидан күпайтириш.

Мавзу: Тутни ҳалқаланган қаламчасидан күпайтириш.

Максад: Қаламчалар тайёрланадиган она тутзор ташкил этишни, издиз олип даражасини оширип жүйларини билиш қаламчаларни баргли, баргсиз қаламчаларни тайёрлаш, уларни өзиш ва күчтөнүү етептириш усулларини ўрганиши.

Жиҳозлар: Найванд ва бол ничоги, бөг кайчиси.

Материаллар: Тайёр ҳалқаланган қаламчалар, бир йиллик баргли ва баргсиз новдалар, қия ва ёткизиб экиш учун тайёрланган қаламчалар ва жадваллар.


Топширик: Она тут ўсимлигининг бир йиллик новдаларини ҳалқа килиш услубини ўзлаштириш. Баргсиз қаламчаларни тайёрлашы ва баргли қаламчалар тайёрлаш олдидан баргини кесиш услубини ўрганиши ва уларни расмини чизиш.

Машғулотни бажариш тартиби. Бир йиллик тут новдасини ҳалқалаш. Бир йиллик тут новдаси 30-40 см узунликда 4-5 ҳалқа килинади. Бунинг учун новданинг асосидан 3-4 см колдирилиб биринчи ҳалқа килинади, кейингилари 15-20 см ва қия қилиб экиш учун 30-40 см ёткизиб экиш учун қарама-қарши тарафидан то новданинг учкы ёғочланган жойига қадар ўткыр найванд өки бөг ничогини ёрдамида новданинг айланаси бўйлаб 4/3 кисмидаги пўстлоги 1 см кенгликтада кесиб ташланади (46-расм).



46-расм. Бир йиллик тут новдасини ҳалқалаш.

Сўнгра талаба олдиндан гайёрланган ҳалқали қаламчани яхшилаб кўздан кечириб уни қирқицган жойида озика тўпланганини (қадоқни) кўриб расмларини чизиш керак (47-расм).



47-расм. Халқа қилингандан кейин қадоқ хосил бўлиши.

1 Халқалашан бир йиллик тут новдаси

2 стқизиб экиш учун 30-40 см узунлиқда тайерланган қаламча, 3-кия қилиб экиш учун 15-20 см узунлиқда тайерланган қаламча

Булардан кейин бир йиллик халқаланган новдани кесишни, яъни қаламча тайёрлаш усули ўрганилади. Киркинда қия қилиб пўстлюкни ва ёғочлик қисмини ўзмасдан, яъни жароҳат етказмасдан бажарини керак. Ишлаб чиқаришила ишни тезлатиш максадида ўрта вазнлаги ўтқир болта ёрдамида бир йиллик новдалар кунлагага кўйиб киркилади. Қаламча тайёрлашида боғничоғи, боғ кайчи ёки болта билан кесишда албаттга қилинган халқанинг 1,5-2 см настидан қиркиш максадга мувоғик бўлади. Киркилаётган бир йиллик новданинг ўйғонли 2-3 см бўлиши керак.

Назорат саволлари:

- Она тутзордан тайёрланаётган қаламчаларни илдиз олиш даражасини оширишила кайси усул бор?
- Бута тупда 4. 5 ва 6 та новда бўлиб ҳар бир новдада 5 тадан ҳалқа қилинган бўлса 1 гектар она тутзордан канча қаламча олиш мумкин?

Мавзу. Тутни барғли қаламчадан кўпайтириш.

Барғли қаламча тайёрлаш. Бунини учун ўсиб турган бир йиллик новдани қаламча тайёрлашдан бир кун оддин боғ кайчи ёки оддий кайчи билан барғларини 1/2- 1/3 қисми олиб ташланади. Киркилган жойи битиб барғ оркали сув парланиши камаяди. Барғли қаламча ва уларнинг илдиз хосил бўлиш ва ўсишини кўйидаги 48-расмдан кўриб талаб дафтарга чизади.



48-расм. Баргли қаламчадан күпайтириш.

Назорат саволлари:

1. Қаламчаларини тайёрлап усууини таърифланг?
2. Баргли қаламчаларни тайёрланаётган қаламчаларни тайёрлашдан олдин баргипи кесишниң кандай ахамияти бор?

Мавзу. Тут күчатини уругидан ва қаламчасидан етиштириш.

Мақсад. Тут күчатини уругидан ва қаламчасидан етиштириш усулларини ўрганиш

Жиҳозлар. Линейка, ўлчагич лента ва рангли қаламдар.

Материаллар. Тут уруги, ниҳолчаси, күчати, ҳалқалаптар новда ва қаламча.

Топширик. Тут күчатини уругидан ва қаламчасидан ўстиришда кайси экиш материалларини ишлатишни, уругни экиш мөйөрини, ниҳолча ва қаламчаларни күчатзорга экишда уларининг оралигини ҳар битта экиш материалини озуқа майдонини бир гектар күчагзорга қанча күчат экилишини, күчатларга шакл бериш усуллари ва мулдатларини хамда парваришиларни ўрганиш.

Машғұлотни бажариш тартиби.

Бир йиллик 1-2 нау тут пихолчаларини ва навли күчаттарни ва икки йиллик уруғдан ўстирилған күчатларни ҳамда қаламчасидан ўстирилған бир йиллик күчатларини талаба синчниковлик билан күриб танишиш керак Издиз бүгзини, танасини, шох-шаббасигача узунлигини, шох-шабба тагидаги йүғонлигини, шох-шаббалар сонини, шакт берәттанида учта шохни жойланишини ва бошқа ташки белгиларини яхшилаб қараб чикиб уларни расмларини чизиш керак (49-расм)




49-расм. Қаламчадан ўстирилған бир йиллик стандарт күчат.

Уругидан ва қаламчасидан күчат етиштиришда экиш (схемаси) тасвирини ўрганиб бир гектарға қанча экиш материалы кетишини хисобларини қилиш керак.

Масалан: күчат оралиғи 20 см, әтат оралиғи 60.70 см бүлганида қанча экиш материалы кетишилгіні ёки шу әтат оралиғида күчатлар орасы 25 см бүлганида қанча экиш материалы кетишилгіні ҳар бир талаба мустакил рационал аниклаши шарт, албаттә лаборатория дарсіні олиб бораёттган ўқитувчи назорат килиб туриши керак

Уругидан ўстирилған икки йиллик күчатларға шакт бериш усулдарини жадвал оркали күриб билиб расми чизилади (50-расм)



50-расм. Икки йиллик дурагай күчатларга шакл бериш усуллари.

1-йили шакл бериш:

а-күчатзорга экилгандан ниҳол,

б-күчтөн танаасини 5-6 см қолдириб кесиш.

в-кесилгандан кейин куртаклардан ўсган новдалар.

г-асосий тана хосил қишишучун биттә новда қолдириб кесин.

д-ен новдаларни 20-25 см узунликда киркиши оркали танани йўғонланигириш.

2-йили шакл бериш:

е-күчаг учини 1,3 м узунликда қолдириб кесин,

ж-ен новдаларни танага тақаб кесиш ва баргларни қолдириш,

з-шохланган учта новдани 50 см узунликда қолдириб кесин

Назорат саволлари.

1. Тут уругидан күчат етилтирилгандан күчатзорга ниҳолча экилгандан кейин биринчи "шакл"ни номини айтинг?
2. Күчатзорда күчатнинг ер устки қисмини пастки қисмiga тенглаптиришда неча см тана қолдириб кесилади?
3. Тут қаламчасидан күчат етилтиришда нима учун биринчи ва иккинчи шакллар берилмайди?
4. Күчатларнинг бўйи неча см.га етганида ўсув нуқтаси олиб ташланади?

Мавзу. Тут ниҳолча ва күчатларини стандартлаш.

Мақсад. Ниҳолча ва күчатларни сифаг кўрсаткичларига қараб стандарт таалабига биноан навларини аниқлашни ўрганиши.

Жихозлар. Шаблон-ўлчагич (картон когоздан қилинган), линейка, шгангил циркул, ўлчагичли лентя, рангли қаламлар.


Топширик.

1. Бир нечта ниҳолларни илдиз бўғзининг йўғонлигини ўлчагич билан танасини ҳамда илдизини узунлигини аниклаб I,II, III ва навсиз (ностандарт)лари ажратилиб неча фоизлиги аниклансин.
2. Бир нечта кўчатларни 3 та асосий шоҳ-шабба борлиги ёки 2 та ёки йўқлиги тагидаги (120 см баландликдаги) йўғонлиги, танасини ва илдизини узунлигини, маҳсус ўлчагичлар ёрдамида I,II, III маҳсулот навларга ажратилиб неча фоизлиги аниклансин.
3. Ниҳол ва кўчатлар навлик гувоҳномасини тўлдиришини ўрганиш.

Машғулотни бажарилиш тартиби.

Ниҳол ва кўчатлар ЎзДСТ№ 1027-2002 Давлат стандартининг зарурли техник талаб-шартлари бўлиб, шу қабул килинган стандартг талаблари бўйича ниҳол ва кўчат етишириладиган жойларда маҳсус ўлчагичлар билан сифат кўрсаткичлари бўйича I,II, III маҳсулот навларга ажратилиши керак.

Ҳар бир талаба ўз кўли билан бир нечта ниҳолча ва кўчаглар олиб маҳсус ўлчагич шаблон, штангил, циркул ёрдамида уларнинг сифат кўрсаткичларини яъни ниҳолчаларнинг илдиз бўғзининиг йўғонлиги, танасини ва илдизини узунлиги, кўчат танасининг 120 см баландликдаги (и.идиз бўғзидан шоҳланиш жойигача) йўғонлиги, танасини ва илдизини совук уруш даражасини ва бошқа сифат кўрсаткичлари кўйидаги 6-7-жадвалиларга караб маҳсус шаблон ёрдамида аниклайди (51-расм).



51-расм. Ниҳолчаларни илдиз бўғзини, кўчатларни шоҳшаббасининг тагидаги йўғонлигини ўлчайдиган (шаблон) асбоб.

6-жадвал.

Дурагай шаклидаги тут нихолларининг сифат кўрсаткичларига караб уч махсулот навларга (сарапланади) бўлинади.

Кўрсаткичлар номи	Махсулот нави		
	I	II	III
1. Илдиз бўғзи диаметри камида, мм:			
а) бир йиллик учун	9	6	3
б) бир ярим йиллик учун	10	7	4
2. Тана узунлиги камида, мм:			
а) бир йиллик учун	650	450	250
б) бир ярим йиллик учун	1000	700	400
3. Ўқ илдизининг узунлиги камида, мм:			
а) бир йиллик учун	240	230	220
б) бир ярим йиллик учун	250	240	230
4. Тананинг умумий узунлигига нисбатан совук урган кисми кўпі билан, %			
камида, мм:			
а) бир йиллик учун	10,0	10,0	10,0
б) бир ярим йиллик учун	10,0	10,0	10,0

Изоҳ. Механик усулда ёкишга мўлжалланган ва ковлаб олинишдан олдин танаси шикастланган нихоллар учун махсулот нави “танани узунлиги” кўрсаткичи хисобга олинмаган ҳолда белгиланади.

Механик шикастланган ҳамда заараркунандалар билан зааррланган ва касалланган нихоллар бўлишига йўл кўйилмайди.

Нихоллар яхши ривожланган ўқ илдизга, текис ва тўлиқ ёғочланган танага эга бўлиш керак.

Юкорида айтилганидек ҳар бир талаба штапгизциркуль ёки махсус ўлчагич асбоб (шаблон) ёрдамида бир нечта бир ва бир ярим йиллик нихолларни навини аниқлайди (7-жадвал) мисол.

7-жадвал.

ЎзДСТ № 1027-2002 бўйича сарапланган бир йиллик тут нихоллари

Нихолчалар	Илдиз бўғзининг йўғонлиги, мм	Танасинини узунлиги, мм	Ўқ илдизин инг узунлиги, мм	Совук урган кисми %	Нави
Дурагай	9	710	240	4,0	I
-	7	400	220	6,0	III
-	7	450	235	7,0	II
-	3	320	220	10,0	III

Түт күчатлари дурагай шаклларга (уругидан стиштирилгаш) ва навлиларга (пайвандланган ва ўз илдизига эга бўлган қаламчалардан ўстирилган) бўлинади.

Кўчатларнинг ёши кўчат лайванд килинган вактдан бошлаб, ўз илдизига эга бўлган кўчатлар қаламча илдиз олгандан ва пархишлари кўчатзорга экилинган вактдан бошлаб хисобланади.

Кўчатлар сифатига қараб уч маҳсулот навларга бўлинади. Ҳар бир навнинг кўчатлари куйидаги 8-жадвалда кўрсатилган месъёларга мос келиши керак.

8-жадвал.

Кўрсаткичлар номи	Маҳсулот нави		
	I	II	III
Икки йиллик шохланган дурагайлар			
1. Танани шохланиш жойи остидаги диаметри камидা, мм	18	15	12
2. Таңа узунлиги (илдиз бўғзидан шохланиш жойигача) камидা, мм	1200	1200	1200
Навли кўчатлар (пайвандланган ва ўз илдизига эга бўлган)			
а) бир йиллик шохланмаган кўчатлар			
1. 1200 мм баландтиқдаги тананинг диаметри камидা, мм	12	10	8
2. Илдиз бўғзидан тананинг узунлиги камидা, мм	1700	1600	1500
б) икки йиллик шохланган кўчатлар			
1. Гананинг шохланиш жойи остидаги диаметри камидা, мм	20	16	12
2. Ганани узунлиги (илдиз бўғзидан шохланиш жойигача) камидা, мм	1200	1200	1200
Тундаги барча кўчатлар учун рухсат этилади.			
1. Иккита асосий новдага эга бўлган кўчатлар кўпи билан, %	5	10	10
2. Бир йиллик таналикларда новдаларни совук урган қисми, тананинг узунлигига нисбатан кўпи билан, %	10	10	10

Талабалар хар бири мустакил равиштада бир нечта кўчатлар олиб уларни штангил-циркуль ёки маҳсус шаблон ёрдамида (9-жадвал бўйича) навларга ажратилиши керак.

Мисол учун-50 та шохланган дурагай кўчатлар, 50 дона ўз илдизига эга бўлган бир йиллик навли шохланмаган кўчатлар ва 50 дона икки йиллик шохланган навли кўчатларни олиб саралаб 9-жадвалини талаба тўлдиради.

Нихол ва кўчатлар темир йўл, сув ва ҳаво транспортлари орқали ташинида (жўнатишида) қўйидаги 9-жадвалда кўрсатилған меъёrlарга мувофиқ маҳсулот ботаник навлар бўйича алоҳида алоҳида тўпларга жойлаб үралади.

9-жадвал.

ЎзДСТ № 1027-2002 бўйича сараланган тут кўчатлари.

Экилган маҳсулот тури	Битта ўрамдаги ниҳоллар ва кўчатлар сони, дона	Бир ўрамнинг массаси (брутто) кўни билан, кг.
1. Ниҳоллар а) бир йиллик учун б) бир ярим йиллик учун -биринчи навли -иккинчи ва учингчи навли	1000 200 500	50 50 50
2. Шохланмаган бир йиллик кўчатлар	50	50
3. Шохланган икки йиллик кўчатлар	25	50

Пиллачилик ширкат хўжаликларида етиштирилган нихол ва кўчатларга ракамли НАВЛИК ГУВОХНОМАСИни тўлдиришни талаба ўрганиш керак.

Жўнатувчининг номи _____

Манзилгоҳи _____

Жўнатиш бекати _____

Қабул қилувчининг номи _____

Манзилгоҳи _____

Белгиланган жой бекати _____

Юборилган тут нихоллари ва кўчатлари

Номи	Нихол ва кўчатлар егинтирилган уругларнинг келиб чикини (навли максулот)	Биринчи нав		Иккинчи нав		Учинчи нав	
		ёши	дона	ёши	дона	ёши	дона
Нихоллар	Дурагай шакллари						
Кўчатлар	Дурагай шакллари Навлилари: а) б)						
	Жами						

Мазкур сацдартнинг тартиб раками

Нихол ва кўчагларнинг жойлаб ўралансанси

Нихол ва кўчатларнинг жўнатиш санаси

Юборилаётган (берилган) нихол ва кўчатларга карангин назорат томонидан тақдим этилган хужжат (назорат этган корхонанинг номи, сана, хужжатнинг тартиб раками).

Алоҳида белгитари

Навлик гувоҳномаси берилган сана

Хўжалик раҳбари

имзо

(фамилия исми ва отаси исмийини бош ҳарфи)

Маъсул мутахассис

имзо

(фамилия, исми ва отаси исмийини бош ҳарфи)

Мухр босини жойи

Назорат саволлари:

1 Кўчатнинг барча кўрсаткичлари 1-навга тўғри келиб, лекин асосий шоҳ-шабба 2 та бўлса кайси навга ажратилиди?

2 Нихолчалар навларга ажратилигандан кейин нечтаси бир боғ қилиб бонгланади?

3 Кузда нихолча ва кўчатлар танасининг неча см баландлигигача тупрок билан кўмилади?

4 Нихолчалар узок жойга юборилса битта ўрамида қанча бўлиши керак?

III-боб. Озуқа берувчи тутлар.

Бу бобда талабалар баланд танали тутзор ($4\text{м} \times 3\text{м}$, $4\text{м} \times 4\text{м}$, $5\text{м} \times 5\text{м}$, $6\text{м} \times 4\text{м}$) бута ($0.9 \times 0.5\text{м}$, $3 \times 0.5\text{м}$, $4 \times 0.5\text{м}$, $6 \times 0.5\text{м}$) тутзор ва якка қагорлаб жой лашган тутларнинг (схемаси) тасвирини (2м , 3м) чизиш жойланисишига қараб бир гектарга кетадиган дараҳтлар кенг қаторли, якка қаторли ва кўп қаторли бўлганида уларнинг сонини аниқлашни бу озуқа берувчи тутларни турига қараб 5 , 10 , 15 йилларда берадиган барг ҳосилини аниқлаб ва жадваллар бўйича расмини чизишни ўрганиди.

Машғулотни бажариши тартиби. Талаба озуқа берувчи тут гурӯхларининг жойланисига қараб битта тутни озиқа майдонини, сўнгра бир гектарга қанча дараҳт экиш мумкинлигини аниқлаш керак

Якка қатор тутлар ва баланд танали тутзорлар барпо этиш.

Якка қатор тутлар. Тут дараҳти оралиғи $2\text{-}3\text{ м}$ бир қатор қилиб жойлаштирилса ариқ бўйларига, канал ёқаларига ва пахтазор майдони атрофларига 1 км^2 қанча дараҳт кетишини аниқлаб тасвири (ариқ, канал ёки пахтазор майдонлари чизилади).

$$N = \frac{1000}{a} = \frac{1000}{2} = 500 \text{ дона} \quad \text{а-дараҳт оралиги.}$$

Баланд танали тутзор.

$$N = \frac{10000}{ab}$$

Бу ерда а- қатор оралиғи, м.

б-дараҳит оралиғи, м.

аб-битта дараҳтнинг озуқа майдони, кв.м

N-бир гектардаги дараҳтлар сони.


Мисол. Озиқа майдони: $4\text{м} \times 4\text{м} = 16\text{м}^2$. у ҳолда бир гектар тутзордаги дараҳтлар сони қўйидагича бўлади.

$$N = \frac{10000}{ab} = \frac{10000}{4 \times 4} = 625 \text{ дона}$$


Талаба берилган топшириқ бўйича қолган (схема) жойлаштириш тасвиirlари бўйича битта дараҳтни озиқа майдони ва 1 гектардаги дараҳтлар сонини аниқлаш керак: $4\text{м} \times 3\text{м}$, $5\text{м} \times 5\text{м}$, $6\text{м} \times 4\text{м}$ ва албатта уларни жойлантириш расмларини чизади.

Бута тутзор. Бу ерда талаба берилган топшириқ бўйича бута тутзорларни жойланисига қараб битта бута тунини озиқа майдонини ва 1 гектардаги ўсимликлар сонини $0.9 \times 0.5\text{м}$; $4 \times 0.5\text{м}$ ва кенг қаторли $6 \times 0.5\text{м}$, ли тасвир (схема) бўйича аниқлайди.

Баланд танали тутзорға күчтілдірнің өкіші ва буга тутзордаги даражаларға шакл беріш.(52, 53-расмдар)



52- расм. Баланд танали тутзорға күчтілдірнің өкіші.



53- расм. Буга тутзордаги тутларға шакл беріш.

Талаба тайёр жадвал ва фотосураттардан фойдаланыб, дастлабки йилларда тутларға берилдігін шаклларни расменин чизиш керак:


а) Озука берувчи тутларнинг танасини баланддигіга қараб күйидегі тут түрлерини расми чизилади;

Баланд танали тутлар-1,5м-1,2м;

Танаси ўрта бўйли тутлар-1,м-0,7м;

Наст танали тутлар-0,7м-0,3м

б) Тут даражатини шакл берилишига қараб бир каллакли, икки-уч каллакли, олти каллакли ва кўп каллаклиларни расми чизилади (54-расм).



54-расм. Ёш тут дараҳтларига икки поғона (ярус)да олти каллакли шакл бериш усуллари.

Мавзу. Озукा берувчи тутларни турига ва ёшига қараб барг ҳосилини аниқлаши усулини ўрганиши

Уругидан ва қаламчасидан ўстирилган якка қатор тутлар, баланд танали ва бута тутзорлар баргидан фойдаланиш йилига қараб нисбатан олинадиган барг ҳосили (10-жадвал).

10-жадвал.

Озукा берувчи тутларни гурухига ва ёшига қараб барг беришни

Барг ҳосили						
Якка қатор тутлар (1 га -830 та дараҳт)		Баланд танали тутзор (1 га -625 та дараҳт)		Бута тутзор (1 га -5000 та дараҳт)		
уругидан ўстирилган	қаламчасидан ўстирилган	уругидан ўстирилган	қаламчасидан ўстирилган	уругидан ўстирилган	қаламчасидан ан ўстирилган	
йиллари	1 та дараҳтдай, ан, кг	1 та дараҳтдан, кг.	1 гектардан, тонна	1 гектардан, тонна	1 гектардан, тонна	1 гектардан, тонна
1 йил	2,0	3,0	0,83	1,25	2,0	3
2 йил	2,5	4,0	1,08	1,56	2,5	4
3 йил	1,0	5,0	1,63	1,87	3,0	5
4 йил	4,0	6,0	2,49	2,5	4,0	7
5 йил	5,0	7,0	3,32	3,12	4,5	9
6 йил	6,0	8,0	3,73	3,75	5,0	11
7 йил	7,0	9,0	4,99	4,37	5,5	13
8 йил	8,0	10,0	6,84	5,0	6,0	14
9 йил	9,0	12,0	12,0	5,62	6,5	15
10 йил	10,0	14,0	14,0	6,25	7,0	16

Талаба берилган топширик бўйича гайёр жадвалдан фойдаланиб 10 йиллик озиқа берувчи тутларнинг хосилини ва қанча кути ипак куртини бокиш мумкинлигини аниклайди (11-жадвал).

11-жадвал.

Озука базасининг ривожланишига қараб ипак курти уруғини тарқатиш.

	Озука берувчи гут гурлари	Ўлчови	Йиллар бўйича олинадиган барі хосили, тонна					Жами майдон. га
			1	2	3	4	5	
Уруғидан ўстирилган якка катор тутлар	1 гек-тардан хосил, жами г		-	-	-	2,0	2,5	30
						30	60	
						60	70	
Қаламчасидан ўстирилган якка катор тутлар	1 гек-тардан хосил, жами г				3,0	4,0	5,0	30
					30	30	30	
					90	120	150	
Уруғидан ўстирилган баланд танали тутзор	1 гек-тардан хосил, жами т					1,25	1,56	11
						11	11	
						13,75	17,16	
Қаламчасидан ўстирилган баланд танали тутзор	1 гек-тардан хосил.				3,0	4,0	5,0	10
					10	10	10	
					30	40	50	
Уруғидан ўстирилган бутга тутзор	1 гек-тардан хосил, жами т				2,0	2,5	3,0	19,5
					19,5	19,5	19,5	
					39,0	48,75	58,5	
Қаламчасидан ўстирилган бутга тутзор	1 гектар жами			3,0	4,0	5,0	7,0	15
				15	15	51	15	
				45	60	75	105	
Йиллар бўйича барғ хосили	-	-	45	219	357,5	450,66		
Тарқатиладиган ипак курти урвглари сони, кути			45	219	357,5	450,5		

Озука берувчи тут турлари бўйича доимий жойга экилгаңдан кейин дастлабки баргидан фойдаланиш йилини талаба аниклаш керак.

Озука берувчи тут турлари бўйича доимий жойга экилгаңдан кейин дастлабки баргидан фойдаланиш йилини талаба 11-жадвалга карб аниклайди (12- жадвал)

Озуқа берувчи тут турлари	Баргидан фойдаланиш йили
1. Ургидан ўстирилган якка қатор тутлар	йилдан
2. Қаламчасидан ўстирилган якка қатор тутлар.	йилдан
3. Ургидан ўстирилган баланд танали тутзор	йилдан
4. Қаламчасидан ўстирилган баланд танали тутзор.	йилдан
5. Ургидан ўстирилган буга тутзор.	йилдан
6. Қаламчасидан ўстирилган бута тутзор	йилдан

Назорат саволлари:

1. Қайси озуқа берувчи тут турлари неча йилда ҳосиға киради?
Қайси озуқа берувчи тутлар биринчи марта баргидан фойдаланганида кўп ҳосил беради?
2. Ургидан ва қаламчасидан ўстирилган тут турларининг бир-биридан усгунилигини таърифланг; барг ҳосили неча марта кўплиги ва бошқа томонлари?
3. Озуқа берувчи тут турларини қайси бири кўпроқ Республика жамоа хўжаликларида кўпайтирса бўлади?
4. Ипакчилик ва тутчилик тўғрисида Вазирлар Махкамасилинг карорларини айтинг?
5. Жаҳонда ипак хом авёсини тайёрлайдиган қайси мамлакатларни биласиз?

Мавзу. Тут баргининг озиқлик сифатини аниклаш усуслари.

Мақсад. Тут баргининг сифатини билиш учун намуналар олиш ва аниклаш методикасини ўрганиш.

Жиҳозлар. Техник тарозилар, ҳар хил оғирликдаги тошлар, қофозлар, қайчилар, эмалланган идиш, баргни майдалайдиган ховонча, баргни пишиклигини аникловчи асбоб, спирт, монометр, туғ барглари, өлак, журнал ва жадваллар.

Топширик. Тут баргининг физик хусусиятини маълум сагхидаги барг бўйича, махсус аппарат орқали ва колюрометрик усул бўйича аниклаш. Тут баргининг кимёвий таркибини аниклаш учун тут баргидан намуна олинн ва кимёвий текнолошига олинган намуналарни тайёрлаш усусларини ўрганиш.

Машгулотни бажариш тартиби.

Тут баргининг сифатини аниклаш усулилари 3 хил бўлади:

1. физик хусусиятларини аниклаш усули
2. кимёвий хусусиятларини аниклаш усули
3. биологик хусусиятларни аниклаш усули

Машгулотда факат 1 ва 2 усусларни бажариш мумкин, 3-усули ўкув амалиёти вақтида бажарилади.

1. Тут баргининг физик хусусиятларини аниклашда куйидаги уч усул қўлланилади;

Биринчи усул. тутниг ўртача катталиқдаги янги узилган барги тортилади ва Р харфи билан белгиланади. Сўнгра шу барг когозга кўйилиб, шакли қалам билан чизилади ва чизилган шакл бўйича когоз кайчиди киркиб олинниб, унинг оғирлиги тортилади ва P_1 харфи билан белгиланади. Шу когоз барг сатҳи 100 см^2 килиб кесиб олинади ва оғирлиги аникланаб чиқкан микдор 100 га бўлинади, натижада 1 см^2 когоз оғирлиги аникланади, у P_2 харфи билан белгиланади.

Когоз барг сатҳи (S) куйидаги формула бўйича аникланади;

$$S = \frac{P_1}{P_2} \times 100$$


Шундан кейин 100 см^2 сатҳи хисобида хақиқий баргининг оғирлиги куйидаги формула асосида аникланади:

$$P = \frac{P}{S} \times 100$$

бу ерда; P- 100 см^2 сатҳидаги барг оғирлиги, мг; P-дастлаб олинган хақиқий барг оғирлиги, мг; S- когоз барг оғирлиги, мг.

Канчалик барг оғир чиқса, унинг пишиш даражаси кўняди, чунки таркибидаги сув камаяди.

Иккинчи усул. Бу усулда хар бир талаба баргининг қанчалик пишилигини билиш учун барг шанлогининг томири ёнидаги ўрта кисмидан диаметри 2-2,5 см ли думалок шаклда барг кесиб олинади, сўнгра уни маҳсус металл цилиндрнинг юкори кисмидаги тешигидан ичкарига туширилади ва сўнгра устига ўртаси тешик пластинка кўйилиб, унинг резбали усти ва ости тешик конкоги билан бураб махкам зичланади. Колбада иккита грубка бўлиб, бири V шаклидаги симобли монометрга ва иккincinnси хавони сурувчи насосга уланади. Насосни сўриши туфайли ташқаридағи атмосфера босими билан колба ичидаги сийраклашган хаво босими орасида фарқ баргининг қаттиқлигидан описа барг йиртилади ва буни симобли монометр шкаласи яққол кўрсатади (55-расм).



55-расм. Барг пишиқлигини аниқловчи асбоб.

Монометр шкаласида симоб қанчалык юқори күтарилса, барг шунчалык яхши пишган ҳисобланади, бу эса барг таркибидаги сув микдорини камайганини билдиради.

Учинчи усул. Баргнинг асосий томири яқиндан 1 см диаметрида думолоқ килиб барг кесиб олинади ва пробиркадаги 95 даражали спиртга солиб 30 минут мобайнида, уй ҳароратида сакланади. Сўнгра барг олиб гашланиб, олдиндан тайёрланган хлорофилли эритма номерланган стандарт эритма билан солиштирилади. Эритма тўқроқ рангда бўлса, барг пишганлиги, очроқ бўлса ҳали пишиб етилмаган бўлади.

2. Тут баргининг кимёвий хусусиятларини аниқлаш. Тут баргини кимёвий текшириш учун баланд танали дараҳг ёки бута дараҳтининг жануб. шимол. гарб, шарқ ва ички (ўртасидан) тарафида ўсувчи новдаларнинг осиги. ўрга ва баланд қисмидан намуна барг 1-3 кг атрофида териб олинади. Баргдаги дастлабки намликни аниқлаш учун янги тайёрланган баргдан икки тақрорлапда 50 г дан ўтчаб олинади. Намуна барг олишда қачон қайси вактда, ҳавонинг ҳарораги, нисбий намлиги ва охирги марта тутни сугориладиган вақти ёзилади. Баргдаги ҳар хил моддалар сув бўлғанлиги учун шарчаланиш жараёнида тури ферментлар таъсирида ўзгармаслиги учун, сув буғи ёрдамида ферментлар ўлдирилади. Бунинг учун бак ёки катта кастрюлка тагига сув куйилади унинг ичига сув сатҳидан бироз баландроқ бўлган сирланган идиш жойлаштирилади ва устига 3-4 қават барг терилади, сўнгра қопқоғи ёпилади, 15-20 мин қайнатилади. Қайнатиш вақтида шиша таёқча билан барглар аралаштирилиб туриласи, сўнгра барглар олиниб, очиқ лекин соя жойда ўрнатилган сукчакдаги мато устига бир қават қилиб ёйилади ва қуриганча шиша таёқча билан ағдариб туриласи. Қуригилгандан кейин ҳавончага солиниб талқон қилиниб кўзлари 0,5 мм катталикдага элакдан ўтказилади. Бу яна яхшилаб қуритилгандан кейин баргининг кимёвий гаркиби (кимёвий лабораториясида) текширилади.

3. Барг сифатини биологик усулда аниклаш. Тут баргининг сифатини аниклаш учун керак бўлган навнинг барги билан маълум зот ипак курслари бокилади. Курглар сони бир тақрорланишида 300 донадан ва тўрт тақрорланишида жами 1200 дона бўлиши мумкин. Текшириш учун олинган куртлар биринчи ёшидан бошлиб то пилла ўрагунча аниқланиши керак бўлган тут нави ёки дурагай дараҳтнинг барги билан бокилади ва қуидаги кўрсаткичларига караб тутнинг барі сифати баҳоланади.

1. кургнинг хаётчанлиги, %
2. хўл нилланинг оғирлиги, г.
3. қуруқ пилланинг оғирлиги,
3. пилла инагинини миқдори, %
5. бир кути уруғидан олинган пилла, кг.
6. Бир гектар барі и билан бокилган куртлардан олинган пилла миқдори, кг.
7. Бир кг пилла олиш учун сарфланган озука миқдори, кг
8. Ипак курти истеъмол қиласланган барг миқдори, %

Баргинин ёйилиш коэффициенти А.Г.Кафиан услуби бўйича аникланади: $\lambda = o/f$, бу ерда L - ёйилиш коэффициенти, O - ёйилган барг, f - берилган барг.

Назорат саволлари.

- 1 Намуна барг қаиси вакѓда ва қайси жойдан олиниади?
- 2 Тут сугорили анда баргинин таркибига қандай таъсири бор?
- 3 Баргининг куриганлигини қандай билиш мумкин?

Мавзу. Тут баргининг ҳосилини аниқлаш усуллари.


Мақсад: Тут барг ҳосилини тортиш йўли билан ҳамда шох-шаббасининг хажмiga караб аниклаш усулларини ўрганиш.

Жихозлар: гарози (20 кг.), бод қайчиси, рейка коғозлар, журнал, каламлар, жақвал

Топширик: Баланд танали ва бута шаклида тут дараҳтининг барг ҳосилини торозида гортиш йўли билан ҳамда баланд танали тут дараҳларини шох-шаббасининг хажмiga караб аниклаш.

Машғулотининг бажариш тартиби.

Баланд ва бута тут дараҳти баргининг ҳосилини тортиш йўли билан аниклаш. Баланд танали тутларининг барг ҳосилини аниклашдан оддин намуна дараҳтлар ажратилиб, улар гурухларги бўлинади. Тананинг 1 метр баландлигидаги йўгонлиги (диаметри) 5-10, 10-20, 20-30, 30-45, 45-60 см гача гурухлари тавсия этилади. Тананинг йўгонлиги маҳсус ўлчагичларда аникланади (56-расм)



56-расм. Ўлчагич асбоб.

Ҳар бир гуруҳдан ўргача ривожланган 5 та намуна дараҳт танланниб уларга бўёқ суртилади.

Бу дараҳтларни барг ҳосилини аниқлаш учун барча новдалар кесиб олиниб, дархол торозида тортилиб, оғирлиги аниқланади ва Р ҳарфи билан ёзиб қўйилади. Сўнгра қўйидаги формула билан намуна дараҳтнинг барг ҳосили аниқланади.

$$f = P - P_1$$

бу ерда f – битта намуна дараҳтнинг баргини оғирлиги

P - новдаларнинг барги билан оғирлиги

P_1 - баргезиз новдаларнинг оғирлиги

Мисол: $P=35$ кг. - $P_1=20=15$ кг.

Баргни истрофгарчиллик қиласаслик учун шу тортилган баргни новдадан 10% ажрагиб, тортиб (P_1) олиниб барг банди колдирилиб, барча барглар чимдигчиқилади, сўнгра новдани (P_2) ўзи торозида тортилади хамда биринчи вазндан иккинчи вазн чеирилади. Буни қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$P = \frac{(P_1 - P_2)}{P_1} \times 100$$

Бунда:

P -новдага нисбатан баргнинг чиқиши, %

P_1 -битта намуна дараҳтда кесилган жами новдаларнинг 10% кисми

P_2 -барги чимдиг танланган 10% новдаларнинг оғирлиги, кг

Мисол: 35 кг (Р) барг новдаси билан ғортилади шундан 10% ажратылса — 3,5 кг (P_1)ни ташкил этади, бу новдадан барглар чимлиб ташлағандан кейин 10 % новдалар тортилади — (P_2)2 кг шунда:

$$P = \frac{(P_1 - P_2)}{P_1} \times 100 = \frac{(3,5 - 2)}{3,5} \times 100 = 28,5 \%$$

Энди битта намуна дарахт новдаларидаги баргининг чиқиши фоизи аникланғач, күйидеги формула билан шу дарахттарнан ялпі хосили аниқтанаади:

$$f = \frac{P_{\text{р}}}{100} = \frac{35 \times 28,5}{100} = 9,97 \text{ кг.}$$

Бунда:

f- битта намуна дарахт баргишыні хосили, кг

P- жами новдаларнанғ барги билан оғирлігі, кг

р-баргинин чиқиши фоизи, демек битта намуна тут дарахттарнан барг хосили оғирлігі 9,97 кг ни ташкил этади.

Мавзу. Баланд танали тут дарахти баргининг хосилини шох-шаббасининг хажмига қараб аниқлаш.

Бу усулда дарахт новдалари киркімайды, уларнинг шох-шаббадаи барғылы новдаларининг зичлигига қараб, синфларга бўлинади


1-синф. Новдалари жуда зич ва кўриниши ён томонларига қараб кетмаган бўлиши керак, ёндан караганда ёрутлик кўринмайдиган дарахтлар.

2-синф. Новдаларининг зичлиги ўртача, оралиги кўринар-кўринмас, новдаларининг айримлари ён томонга қараб кетган дарахтлар

3-синф. Новдалари сийрак ва тарвакайтаб ўсган ва оралигидан ёрутлик бемалол кўринадиган дарахтлар.

Тут дарахтининг барг хосилини шох-шаббасини хажмига қараб аниқлашда уч марта ўлчов ўтказилади: Биринчи шох-шаббас кенглигининг бир бирига (тутни иккى тарафини) қарама қарши тик ердаги диаметрини (доирасини) — D₁ ва D₂ ҳарфи билан белгиланади, иккинчиси h-шох-шаббасининг баландлигиги, м ўлчанади ва учунчи ўлчов кўз билан чамалаб, дарахтлар синфга ажратилади.

Дарахтни атрофидаги кенглиги (доира лиаметри) шимолдан жанубга ва шарқдан гарбга қараб ўтканади. (57- расм).



57-расм. Тут дараҳтларининг барг ҳосилини Л.Дайн усули—шохшаббанинг ҳажмига қараб аниклаш:

А---шох-шабба диаметрлари (D_1+D_2) ва баландлиги (h);
Б---шох-шабба зичлигига қараб синфларга бўлиниши

Сўнгра маҳсус иккита 13,14-жадваллар орқали барг ҳосили аникланади, жадвалда дараҳт шох-шаббасини кенглигини тик пасидаги, яни ердаги диаметр (D_1+D_2) йигиндиси ва шох-шаббасининг баландлиги 14 жадвалдан фойдаланиб, синфлар бўйича ва $1m^3$ даги шох-шабба ҳажмига қараб барг ҳосили аникланади.

Шох шаббасининг ҳажми, (m^3)

13-жадвал.

D_1+D_2	2,1	2,2	2,3	2,4	2,5	2,6	2,7	2,8	2,9	3,0
5,6	6,5	6,8	7,1	7,4	7,7	8,0	8,3	8,6	8,9	9,2
5,7	6,7	7,0	7,3	7,6	8,0	8,3	8,6	8,9	9,2	9,6
5,8	6,9	7,3	7,6	7,9	8,2	8,6	8,9	9,2	9,6	9,8
5,9	7,2	7,5	7,9	8,2	8,6	8,9	9,3	9,6	9,9	10,3
6,0	7,4	7,8	8,1	8,5	8,8	9,2	9,5	9,9	10,3	10,6


14-жадвал.

Барг хосилдорлиги, кг.

Шох-шаббасини хажми, м ³	Шох-шаббасининг зичлиги			Шох-шаббасини хажми, м ³	Шох-шаббасининг зичлиги		
	1-синф зич	2-синф ўргача	3-синф сийрак		1-синф зич	2-синф ўртacha	3-синф сийрак
6,5	11,8	7,3	3,9	8,7	15,8	9,8	5,3
6,7	12,1	7,5	4,1	8,9	16,7	10,0	5,4
6,9	12,5	7,7	4,2	9,1	16,4	10,2	5,5
7,1	12,9	8,0	4,3	9,3	16,9	10,5	5,6
7,3	13,2	8,2	4,4	9,5	17,2	10,7	5,8
7,5	13,6	8,4	4,5	9,7	17,6	10,9	5,9
7,7	14,0	8,6	4,7	9,9	17,9	11,1	6,0
7,9	14,3	8,9	4,8	10,1	18,3	11,3	6,1
8,1	14,7	9,1	4,9	10,3	18,6	11,6	6,2
8,3	15,0	9,3	5,0	10,5	19,0	11,8	6,3


Тут дараҳтининг баландлигини учбуручак ёрдамида аниқлаш.

Учбуручакнинг бир бурчаги 45° бўлиши керак. Дараҳт баландлигини ўлчаш учун, одам учбуручакнинг 45° ли бурчагини ўзига каратиб, унинг тагини горизонтал ҳолагда ушлаб, устки қирраси билан дараҳтининг уни фараз килинган йўналувчи чизикка тўғри келгунча орқага тисланиб боради. Шунда “б” нуктадан “в” нуктага (дараҳтга) қадар ва “а” нуктадан (учбуручак) “б” нуктага (ерга) қадар бўлган масофанинг йигинидси дараҳтининг баландлиги бўлади (58-расм).



58-расм. Учбуручак ёрдамида дараҳт баландлигини ўлчаш.

Тут дарахтини баландлыгини ойна ёрдамида аниқлаш. Дарахтдан бир неча қадам нарида ойна текис ерга горизонтал қолатда қўйилади. Сўнгра кетига қараб то дарахтнинг учи ойнада кўрингунча тислалиб боради (59-расм).



59-расм. Ойна воситаси билан дарахт бўйини ўлчаш.

Мальум бўлган тут дарахтини баландлигидан тананинг узунлиги олиб ташланса (h ни) шох-шаббани баландлыгини аниқлашда бу қуидаги иккита усуздан фойдаланиши мумкин.

Назорат саволлари.

1. Тут дарахтининг синфларга ажратишда нималарга эътибор берилади?
2. Тут дарахтини шох-шаббасининг хажми қандай топилади?
3. Тут дарахти барг ҳосилини аниқлаш учун намуна дарахтларни беътишланашида нималарга эътибор қилиш керак?
4. Й.Даин усулни яхши томони нимада?

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуллаева У. - Тутчилик Т., «Меҳнат» 1991 й.
2. Ахмедов Н., Элмурадова И.-Тутоводство. Текст лекций. Т. “Матбуот”, 2006 й.
3. Баҳовутдинов Н.Г. ва бошқалар. Пиллакорлар учун кўлланма. Тошкент. “Мехнат”, 1984 й.
4. Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари 03.04.1998 й. ва 15.03.2000 й., 15.10.2006 й. ПҚ-512 қарорлари
5. Гребинская М.Н. ва бошқалар-Нилчилар учун сиравочник. Т. “Уздавнашр”, 1961 й.
6. Кўчкоров У., Огурцов К. Шоғут ва балхи тут Т «Меҳнат» 1989 й.
7. Кўчкоров ў., Холмагов Д.И.-Тутчиликка доир агротехника коидалари. Т. Ўз.Р.ФААК босмахонаси. 2007 йил.
8. Раҳманбердиев К.-Биологические основы ускоренного создания кормового фонда шелководства путем черенковани шелковицы Т «Фан», 1980 й.
9. Раҳманбердиев К., Дузъ Крятченко М.А., Мухамеджонова Ш. Программа лаборатории практических работ по курсу «Тутоводство» Т «Магбуот» 1978 й.
10. Раҳманбердиев К., Мухамеджонова Ш. Тут селекция Т. «Меҳнат» 1988 й.
11. Раҳманбердиев К., Хиббимов М. Тут дараҳтини қаламчасидан кўпайтириши Т., «Меҳнат» 1997 й.
12. Феодоров А. И. - тутоводства Москва. Сельхозгиз. 1954 й.
13. Шералиев А.Ш., Ахмедов Н.А., Собиров С.-Гут касаликлари ва зараркунандалари. Тошкент. ТошДЛУ таҳририяти, 2009 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....4-5 бет

I-ҚИСМ

ТУТЧИЛИК ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ МАШГУЛОТЛАРИ

I-боб. Тутнинг гашқи ва ички тузилиши.....6-18 бет

II-боб. Тутни умумий ўсимликлар систематикасида тутгаи ўрни ва уларни жуғрофик тарқалиши.....19-29 бет

III-боб. Ўзбекистон иқлим-шароитига қараб гуманлаштирилган тут навлари.....29-37-бет

IV-боб. Тут уруги олинадиган тутзорлар.....37-44-бет

V-боб. Тутни ташқи муҳит билан боғлиқлиги.....44-47-бет

VI-боб. Кўчатзорда алмаштаб экиш усуллари.....47-50-бет

II-ҚИСМ

ТУТЧИЛИК ФАНИДАН АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАР

I-боб. Тутни пайвандалаш усуллари.....50-56-бет

II-боб. Тутни қаламчасидан қўпайтириш.....56-65-бет

III-боб. Озука берувчи тутлар.....66-78-бет

Фойдаланилган адабиётлар.....79-бет

ҚАЙДЛАР УЧУН:

ҚАЙДЛАР УЧУН:

ҚАЙДЛАР УЧУН:

ТУТЧИЛИК

Фанидан лаборатория-амалий машғулотлар
(ўкув қўйланма)

МУАЛЛИФЛАР:

Қишлоқ хўжалик фанлари номзоди, доцент М.Хиббимов.

Қишлоқ хўжалик фанлари доктори, профессор Н.Ахмедов.

Масъул мухаррир: Комилов Э

Техник мухаррир: Бекназарова Д

Мусаххих: Ўринов Ю.М.

Босишга руҳсат берилди 6.03.2012 й. Формати (60x84) 1/16.

Гарнитура Times New Roman. Шартли босма табори 5.125.

Нашриёт босма табори 5.125. Адади 200.

Баҳоси келишилган нархда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Матбуот қўмитасининг
21-2254 сонли гувоҳномаси асосида «TAFAKKUR-BO'STONI»
босмахонасида оғсет усулда чоп этилди. Чилонзор кўчаси 1-уй

